







Жиззах Вилояти



## «Бахт уйи»га бахт эшиклари очилади

Жиззах туманининг Учтепа мавзесида Фукаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш бўлимининг янги биноси фойдаланишга топширилди.

Бинода тантаналар зали, архив, оила университети, келин-куёвлар ва фуқаролар учун кутиш жойи каби бир қанча хоналар ҳамда туман Давлат нотариал идораси мавжуд. Бўлим Адлия вазирлиги томонидан компьютер, алоқа воситалари ва мебеллар билан тўла таъминланди.

— Мазкур муҳташама «Бахт уйи» республикада Муस्ताқиллигининг 23 йиллиги тантаналари олдидан Жиззах тумани аҳли учун ажойиб совға бўлди, — дейди ФХДБ бўлими инспектори Муқаддас Икромова. — Утган йили вилоятимизнинг Зомин туманида ҳам ФХДБ бўлими фойдаланишга топширилган эди. Бу йил яна Фориш туманида ана шундай бўлимини ишга тушириш кўзда тутилган. Зарбдор, Фаллаорол туманларидаги ФХДБ бўлиmlарида капитал таъмирлаш ишлари бажарилди. Шунингдек, 5 та нотариал идора қурилиши амалга ошириляпти.

Айтганча, шу куни бўлимда йигирмага яқин ёшларнинг никоҳи қайд қилинди.

**Алижон АБДУСАТТОРОВ,**  
«Qishloq hayoti» мухбири.  
**Ботир ҚУДРАТОВ**  
олган сурат.

## ЁШЛАРИМИЗ ИШОНЧНИ ОҚЛАДИ

Хитойнинг Нанкин шаҳрида ўсмирлар ўртасидаги II Олимпия ўйинлари мусобақалари якунига етди.

Олимпия ўйинларида муваффақиятли иштирок этиб, мусобақа давомида кетма-кет ютуқларга эришган ҳолда юртдошларимизга мунтазам хушқайфият бағишлаб турган ёшларимиз катта спорт байрамидаги иштирокларини юқори нотада яқунлашга муваффақ бўлишди.

Мусобақанинг сунги кунинда рингга чиққан икки боксчимизнинг бири кумуш, иккинчиси эса олтин медали билан тақдирланди.

Хусусан, 49 килограммга вази тоифасида боксчимиз Сулаймон Латипов ярим финал жангида япониялик Мурата Субаруни 2:1 ҳисобида мағлуб этиб, финалга йўл олган эди.

Финал беллашувида Сулаймон озарбайжонлик Руфат Хусейновга қарши рингга кўтарилди. Баҳсда очколар ҳисобида кўра озарбайжонлик боксчи голиб деб топилди ва ҳамюртимиз кумуш медаль билан тақдирланди.

69 килограмм вази тоифасида эса юртимиз шарафини амалдаги жаҳон чемпиони, мазкур олимпиадада Ўзбекистон делегацияси байроқдори бўлган Бектемир Мелиқўзиев ҳимоя қилди. Бектемир ярим финал баҳсини белорусиялик Ильяс Одинаевга қарши олиб бориб, биринчи раунднинг ўзидаёқ техник нокаут билан зафар кучганди.

Финалда Бектемир доминиканлик Хуан Соланога қарши рингга кўтарилди. Ушбу боксчи билан у жўри йилнинг апрель ойида Болгариянинг



София шаҳрида бўлиб ўтган жаҳон чемпионатининг ярим финалида ҳам рўбарў келган ва ўшанда Бектемир учинчи раундда техник нокаут билан муваффақият қозонган эди. Юртдошимиз бу сафар ҳам ҳар бир раундда юқори маҳоратини намойиш этиб устунликка эришди ва якунда 3:0 ҳисобида галаба қозониб шохсупанинг энг юқори погонасига кўтарилди. Голиб спортчимиз шарафига Ватанимиз байроғи кўтарилиб, давлатимиз мадҳияси янгради.

Шу тариха, ўсмирлар олимпия ўйинларида мамлакатимиз спортчилари томонидан кўлга киритилган медаллар сони жамоавий баҳсларда кўлга киритилган иккита олтин

медални кўшиб ҳисоблаганда ўн тарафга етди. Юртдошларимиз жами 4 та олтин 3 тадан кумуш ва бронза медалларини кўлга киритишди. Жумладан, Адхамжон Эргашев оғир атлетика, Тимур Қодиров спорт гимнастикаси, Суҳроб Турсунов дзюдо бўйича баҳсларда бронза медали совиндорли бўлишди. Суҳроб Турсунов дзюдо бўйича жамоавий баҳсларда ҳам иштирок этиб, олтин медаль билан тақдирланди. Умида Абдуллаева таэквондо, Фарходбек Собиров эса оғир атлетика баҳсларида муваффақиятли иштирок этиб биттадан кумуш медалга эга чиқшди. Илҳом Баҳромов юнон — рум кураши баҳсларида барча рақиблари-

ни мағлуб этиб, терма жамоа галласига катта ҳисса қўшди. Шунингдек, Владимир Свечников ўқ отиш бўйича микст — жамоавий баҳсларда шохсупанинг энг юқори погонасига кўтарилди.

Ўсмирлар ўртасидаги II Олимпия ўйинларида Ватанимиз шарафини 28 нафар ҳамюртимиз спортнинг 14 тури бўйича ҳимоя қилдилар. Дунёнинг 200 дан ортиқ давлатидан 4 мингга яқин спортчи иштирок этган мусобақада вакилларимиз умумжамоа ҳисобида (жамоавий баҳсларда кўлга киритилган медаллар ҳисобга олинмайди) 27-ўринни эгаллашди.

Азиз НУРУЛЛАЕВ

○ Реклама ўрнида



**Mustaqillikka**  
**23 yil**



**Муस्ताқиллик байрамингиз муборак бўлсин, азиз юртдошлар!**

○ Реклама ўрнида

*Ёру дўстлар ҳам бўлибдир, тўғ қилур ўзбек элим,  
Мен дегайман, хуш келибсан, дўсту меҳмоним сенга...  
Қайда тоғим сен уғундир, дилда борим сен уғун,  
Қайда бўлмай таллинурман, Ўзбекистоним, сенга.*

**Шоир таърифлаганидек, Ўзбекистонда байрам шукҳи қалбларга қувонч, дилларга сурур бахш этмоқда. Эл-юртга, шу жумладан, байрам дастурхонига турли ноз-неъматлар етказиб бераётганигимиздан фахрланамиз. Шоидёна кунларда барчани Муस्ताқилликнинг йигирма уч йиллик байрами билан муборакбод этамиз, мустаҳкам соғлиқ, хонадонларга тинчлик-хотиржамлик тилаймиз, келгусидаги ишлар омадли бўлишини ният қиламиз.**

**ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИДАГИ «ИМКОН-ПЛЮС» КОРХОНАСИ ЖАМОАСИ**



○ Реклама ўрнида

**DORI**

*Этти бадавлат отахонларимиз, мунис онахонларимиз дуога кўч очганида, энг абвало, эл-юртга тинчлик-хотиржамлик, соҳат-саломатлик тилашади. Бу бежиз эмас, албатта. Илсон учун энг зарур неъматлар айнан шу тилакларда муҳасамидир. Халқимиз саломатлигини таъминлашга муносиб ҳисса қўшишни дзининг шарафли дурчи деб билган жамоамиз барча юртдошларимизни Муस्ताқилликнинг йигирма уч йиллик байрами билан чин дилдан муборакбод этади. Барча ватандошларимизга, шу жумладан, соғлиқни сақлаш, дору-дармон таъиноти ходимларига эзгу тилакларимизни изҳор этамиз. Жонажон Ўзбекистонимиз янада раванқ топид, унинг жаҳон ҳамжамиятидаги обрў-эътибори тобора ошаверсин!*

**23 йил**

**ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ «ДОРУ-ДАРМОН» ОАЖ ЖАМОАСИ**



<p><b>Бош муҳаррир:</b> Чори ЛАТИПОВ</p>	<p><b>МУАССИСЛАР:</b> Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Аграрно-иқтисодий тартибдаги ҳамда шу тармоққа дахлдор вазирлик ва идоралар.</p>	<p><b>ТАХРИР ХАЙЪАТИ:</b> Улуғбек УЗОҚОВ, Шухрат ТЕШАЕВ, Соҳибжон ТУРДИЕВ, Омонулло ЮНУСОВ, Фарход ОМОНОВ, Эркин ҚУДРАТОВ, Муса АНОРБОВ, Абдихабоб ТАМИКАЕВ, Махмуд ТОИР, Ҳабиб ТЕМИРОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Анвар ҚУЛМУРДОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Бақодир ХОЛИКОВ, Ботир СУЛАЙМОНОВ, Мухиддин АБДУСАМАТОВ (Масъул котиб).</p>	<p>Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2009 йил 13 февралда № 0020-рақам билан рўйхатдан ўтказилган.</p> <p>ISSN 2010-7021</p> 	<p><b>ТЕЛЕФОНЛАР:</b> Қабулхона — 236-26-50, Котибият — 233-95-17, Аграр масалалари бўлими — 233-76-78, Ижтимоий-сиёсий ва ҳуқуқий масалалар бўлими — 236-26-49, Маънавият ва маърифат бўлими — 236-26-35, Хатлар ва жамоатчилик билан алоқалар бўлими — 233-44-43, Факс — 233-44-43, 233-09-93.</p> <p><b>ХУДАУДЛАРДАГИ МУХБИРЛАР:</b> Қорақалпоғистон Республикаси — (+99890) 592-62-04; ВИЛОЯТЛАР: Андижон — (+99893) 630-73-03; Бухоро — (+99891) 401-29-59; Жиззах — (+99890) 310-06-99; Навоий — (+99891) 332-00-88; Наманган — (+99890) 278-95-87; Фарғона — (+99890) 407-76-03; Самарқанд — (+99893) 994-57-08; Сирдарё — (+99894) 168-23-60; Сурхондарё — (+99890) 519-86-50; Тошкент — (+99890) 976-39-58; Хоразм — (+99890) 438-71-25; Қашқадарё — (+99891) 635-08-03.</p>	<p><b>РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР:</b> 236-26-50, 233-28-04.</p>	<p><b>Навбатчи муҳаррир:</b> А.ҚАРШИЕВ <b>Мусаҳҳис:</b> О.ОЧИЛОВ <b>Дизайнер:</b> Ф.ТОИРОВА</p>
--	---	---	--	---	--	---